“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбекистон республика валюта биржаси”
акциядорлик жамияти
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилишида
11 июль 2014 йил
68 - сонли баён билан

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ:
2015 йил 19 июндаги 70-сонли баён
2016 йил 29 июндаги 73-сонли баён
2019 йил 7 январдаги 77-сонли баён
2019 йил 26 июндаги 78-сонли баён
2021 йил 29 июндаги 80-сонли баён
2021 йил 15 октябрдаги 81-сонли баён
2021 йил 30 декабрдаги 82-сонли баён
2022 йил 30 июндаги 83-сонли баён
2023 йил 23 майдаги 85-сонли баён
2024 йил 26 июндаги 87-сонли баён
2026 йил 7 январдаги 90-сонли баён

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига ва “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - ЎзРВБ) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом ЎзРВБ Кузатув кенгаши фаолият тартибини, ваколатини ва қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини ҳамда Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

II. ЎзРВБ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

3. ЎзРВБ Кузатув кенгаши ЎзРВБ фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун ва ЎзРВБ устави билан акциядорлар умумий

йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

4. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзоларининг сон таркиби ЎзРВБ Устави билан белгиланади, бунда кузатув кенгаши таркибига киритиладиган мустақил аъзолар сони алоҳида кўрсатилиши керак.

Кузатув кенгаши таркибига битта мустақил аъзо киритилади.

Қуйидагилар ЎзРВБ Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

сўнгги уч йил ичида ЎзРВБда ва (ёки) ЎзРВБнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;

ЎзРВБ овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор;

ЎзРВБнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнгги уч йил ичида ЎзРВБга ва (ёки) ЎзРВБнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида ЎзРВБнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

ЎзРВБ ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

ЎзРВБнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

ЎзРВБнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

5. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва ЎзРВБ уставида белгиланган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

6. ЎзРВБ Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланишлари мумкин.

7. ЎзРВБ Кузатув кенгашнинг сайланган аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин:

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда;

унга нисбатдан озодликдан маҳрум қилиш бўйича суднинг қарори қонуний кучга кирганда;

вафот этганда;

ёзма аризасига кўра;

акциядорнинг ўзи кўрсатган номзодининг ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш юзасидан ёзма мурожаатига кўра.

ЎзРВБ Кузатув кенгашининг сайланган аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра амалга оширилади.

8. ЎзРВБ Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар ЎзРВБ Устави ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

ЎзРВБ Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган номзодларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилиши мумкин:

1) Олий маълумотга ва етарли иш тажрибасига эга бўлиши;

2) Корпоратив бошқарув, менежмент, иқтисод ва хуқуқ йўналиши бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши;

3) корпоратив бошқарув малака сертификати ёки малака аттестатига эга бўлиши (мазкур талаб ЎзРВБнинг устав капиталидаги давлат улуши бўйича Кузатув кенгаши аъзоси сифатида кўрсатилган номзодларга нисбатан қўлланилади, давлат улушига эга акциядорнинг (давлат органинг) раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари бундан мустасно).

9. Овозларнинг энг кўп сонини олган номзодлар ЎзРВБ Кузатув кенгаш таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

11. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони ЎзРВБнинг Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

12. ЎзРВБ Кузатув кенгаши раиси ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари томонидан унинг таркибидан ЎзРВБ Кузатув кенгашига сайланган аъзолар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

13. ЎзРВБ Кузатув кенгаши ўз раисини ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

14. ЎзРВБ Кузатув кенгаши раиси ЎзРВБ Кузатув кенгаш мажлисларини чақиради ва унга раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорлар умумий йиғилишини очади ва унда раислик қилади.

15. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажаради.

16. ЎзРВБ Кузатув кенгаш раиси, агар ЎзРВБ Кузатув кенгашининг қарори билан ушбу ваколатлар бошқа шахсга юклатилмаган бўлса, Ижроия органи (Бош директор) билан тузилган шартномани ЎзРВБ номидан имзолайди.

17. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

ЎзРВБни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Биржа фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

ЎзРВБ акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун ЎзРВБ акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

ЎзРВБ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (ЎзРВБнинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш билан боғлиқ масалалар бундан мустасно) ёки ЎзРВБнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

ЎзРВБнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

ЎзРВБ Ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва ЎзРВБ Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ҳужжатларни Ижроия органидан олиш. Олинган ҳужжатлардан Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

ЎзРВБнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

ЎзРВБнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

ЎзРВБнинг фондларини шакллантириш ҳамда захира фонди ва бошқа фондлардан фойдаланиш. Тузилган фондларнинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада ЎзРВБ соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ЎзРВБнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

ЎзРВБнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

ЎзРВБнинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш масалаларини, шунингдек ЎзРВБ уставига унинг устав фонди (устав капитал)ни кўпайтириш ҳамда ЎзРВБнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ЎзРВБнинг Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш масаласини маъқуллаш ва акциядорлар умумий йиғилишига киритиш;

ЎзРВБ аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, тугатиш тартибини тасдиқлаш;

Кузатув кенгаши таркибида унинг аъзоларидан аудит бўйича қўмита, тайинлаш ва рағбатлантириш бўйича қўмита ва бошқа қўмиталар, зарурат бўлганда эса, Кузатув кенгаши аъзолари, Ижроия органи, Биржа ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳавий олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари), доимий ва муваққат комиссиялар ташкил этиш;

аъзолик бадалларининг ва ЎзРВБ томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг миқдорини, воситачилик мукофоти ҳамда уларни ундириш тартибини белгилаш;

биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жарималарнинг миқдорларини ва уларни ундириш тартибини белгилаш;

ЎзРВБ тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

ЎзРВБнинг биржа савдолари қоидаларини, ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни ва Биржа фаолиятини тартибга солувчи бошқа ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;

ЎзРВБ томонидан жойлаштирилган ўз акцияларини белгиланган тартибда кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилиш;

ЎзРВБ фаолияти устидан ва Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш юзасидан назоратни амалга ошириш;

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш бўйича қарор қабул қилиш;

ЎзРВБда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

ЎзРВБнинг йиллик молиявий ҳисоботларини Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилиш ишларини мувофиқлаштириш;

ЎзРВБ мансабдор шахсларининг бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишига рухсат бериш;

Биржа фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга масъул бўлган ва Кузатув кенгашига ҳисобот берувчи корпоратив маслаҳатчи лавозимини жорий этиш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда қонунчиликда белгиланган доирада бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этиш;

Ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Биржанинг Ижроия органи раҳбари лавозимига танловни ташкиллаштириш, танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилган раҳбар лавозимларга танловлар регламентини тасдиқлаш;

ЎзРВБнинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш;

Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

ЎзРВБ Ижроия органи, ички назорат органлари ва коллегиал органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлганда, ЎзРВБ ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;

ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонунчилик, ЎзРВБ устави ва бошқарув органи қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажариш;

ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш, жорий этиш ва унинг мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

ҳар чоракда Ижроия органи ва ички назорат органларининг, шу жумладан Биржа томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш;

қонунчиликка ва ЎзРВБ уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

18. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ЎзРВБ Ижроия органига ҳал қилиш учун берилиши мумкин эмас.

19. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгашида муайян бажарган вазифалари учун ЎзРВБ молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, ҳақ ва (ёки) тўловлар олиш ҳуқуқига эгадирлар.

20. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари орасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаши раиси томонидан ҳар бир Кузатув кенгаши аъзоси учун аниқ амалга оширилади.

21. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун тўланадиган ҳақ ва (ёки) тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилишида белгиланади.

III.ЎзРВБ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

22. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ЎзРВБ Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан сўзга чиқиш;

ЎзРВБ Кузатув кенгаши қарорига кўра муайян даврда ЎзРВБ фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

ЎзРВБ Кузатув кенгашида ишлаганлик учун (агар ҳақ ва (ёки) тўловлар тўлаш ЎзРВБ акциядорлари умумий йиғилиши қарорида назарда тутилган бўлса), ҳақ ва (ёки) тўловлар олиш.

23. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари ЎзРВБ Кузатув кенгаши томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

24. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари ЎзРВБ имкониятлари (мулкий ва номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, ЎзРВБ фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан ғаразли ёки бошқа шахсий мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

25. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек ЎзРВБ манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

26. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзолари аффилланганлик асослари вужудга келган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ЎзРВБни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўзининг аффилланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

27. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзоси, аффилланган шахси билан тузиладиган битимларни маъқуллаш қонунчиликда белгиланган тартиб амалга оширилади.

IV. ЎзРВБ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛИ

28. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг мажлиси унинг раиси ташаббусига кўра, ЎзРВБ Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзоси, Ижроия органининг ҳамда Биржанинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари талабига кўра чақирилади.

29. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзоларининг камида етмиш беш фоизи йиғилишда иштирок этиши қарор қабул қилиш учун етарли ҳисобланади.

30. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари сони ЎзРВБ уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоиздан кам бўлиб қолган ҳолларда ЎзРВБ Кузатув кенгашнинг янги таркибини сайлаш учун ЎзРВБ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришга мажбурдир. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг қолган аъзолари фақат акциядорларнинг ана шундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

31. ЎзРВБ Кузатув кенгаши мажлисидаги қарорлар, агар Қонунда ва ЎзРВБ уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, мажлисда қатнашаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг бўлган ҳолда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи бўлади.

32. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини ЎзРВБ Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

33. ЎзРВБ Кузатув кенгаши мажлисларида баённома юритилади. ЎзРВБ Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси йиғилиш ўтказилгандан сўнг 10 кундан кечиктирилмай тузилади.

34. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

35. ЎзРВБ Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси ЎзРВБ Кузатув кенгашининг мажлисда қатнашаётган аъзолари томонидан имзоланади. Улар баённоманинг тўғрилиги учун жавоб берадилар.

36. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ЎзРВБ Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Шунингдек, ЎзРВБ Кузатув кенгаши мажлиси видеоконференц-алоқа режимида ўтказилиши мумкин.

37. ЎзРВБ Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни ЎзРВБнинг Ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот ЎзРВБнинг Ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

V. ЎзРВБ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

38. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда ЎзРВБнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзолари Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этишни ёки Корпоратив бошқарув кодексида назарда тутилган ахборотларни ошкор этишни таъминламаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораси ўрнатилади.

39. Агар ЎзРВБ Кузатув кенгашининг бир нечта аъзоси жавобгар бўлса, уларнинг ЎзРВБ олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

40. ЎзРВБга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

41. ЎзРВБ ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) ЎзРВБга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан ЎзРВБнинг кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

VI. ЎзРВБ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИ (ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ)

42. Биржанинг Кузатув кенгаши тегишли масалалар бўйича оқилона ва самарали қарорлар қабул қилинишини таъминлаш мақсадида вақтинчалик ва доимий қўмиталар (ишчи гуруҳлар) тузиш, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

43. Қўмита (ишчи гуруҳлар)нинг асосий вазифалари Биржанинг Кузатув кенгаши ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни фаолиятлари йўналишлари бўйича олдиндан ҳар томонлама ўрганиш ва Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлашдан иборат.

44. Биржанинг Кузатув кенгаши қўмиталари (ишчи гуруҳлари) Кузатув кенгаши аъзолари, Биржанинг ходимлари ва жалб қилинган экспертлар (тегишли мутахассислар, ихтисослашган олий ўқув юртлари педагоглари ва бошқалар) таркибида тузилади. Фаолият кўрсатиш тартиби ва ваколатлари, шунингдек қўмиталар (ишчи гуруҳлар)нинг миқдорий таркиби Кузатув кенгашининг уларни тузиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ белгиланади.

45. Биржанинг Кузатув кенгаши ишчи гуруҳлари Биржанинг фаолияти ва лойиҳаларининг муайян соҳаларини ўрганиш учун тузилади.

46. Қўмиталар ва ишчи гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Биржанинг устави ва ички низомлари, шунингдек акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларига мувофиқ иш юритади.

47. Агар Биржанинг акциялари фонд биржасининг котировкаси рўйхатига киритилган бўлса, Биржада фақат Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат аудиторлик қўмитаси тузилади.